



- * Йўлдан адашганнинг сўнгги армони
- * Сидней олимпиадасига кимлар боради?
- * “Чимилдиқ”да: Соат Шариповнинг “Келин-кўёв”лари
- * Ҳомиладор аёл эрининг ёнида кўз ёради



Туркистон

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 5 Апрель Чоршанба.
№ 27 (14309)

Сайловчилар билан учрашувлар

Қашқадарё вилояти Касби туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг раиси, 229-Чўлобод сайлов округидан сайланган Олий Мажлис депутати Акмал Саидов ҳамда шу кўмита котиби, 224-округдан Олий Мажлис депутати Ғулом Мирзаев билан сайловчиларнинг учрашувлари бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги, “Пахтакор” жамоа хўжалиги, 1-академик лицей ва 41-ўрта мактабда ўтказилган учрашувларда А.Саидов мамлакатимизда Президент Ислон Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган иқти-

содий-ижтимоий ва сиёсий янгилашни-ларнинг аҳамияти ҳамда ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги мақсад ва вазифалар, иккинчи чақириқ Олий Мажлис таркиби, шунингдек, Парламентда янги ташкил қилинган Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг фаолияти ҳақида йиғилганларга атрафлича сўзлаб берди.

Учрашувлар чоғида, ижтимоий-иқтисодий жабҳада ҳамда таълим соҳасида туман доирасида ҳал этилмаган айрим муаммолар хусусида ҳам гап борди. Уларни ҳал этиш борасида чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

(ЎЗА)

Ноёб инсоний фазилатларни асраб, авайлаш ва янада такомиллаштириш, фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак.

Ислон КАРИМОВ

ЁШ МАТЕМАТИКЛАР АНЖУМАНИ

Тошкентда математика бўйича бўлиб ўтган республика олимпиадасида ҳудудий босқичларда ғалаба қозонган юздан ортиқ академик лицей ва умумтаълим ўрта мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирок этди. Бу тадбир Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Миллий университети қошида фаолият кўрсатаётган С.Сирожиддинов номидаги лицейда ўтказилди.

Бу галги олимпиаданинг ўзига хос жиҳатлари бор. У халқаро талабларга мутаносиб ҳолда ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад - бу йилнинг июль ойида Сеулда бўлиб ўтадиган математика бўйича 41-Халқаро олимпиадага муносиб номзодлар танлашдан иборат. Дарвоқе, ушбу нуфузли мусобақада ўзбекистонлик ёшлар учинчи маротаба иштирок этмоқда.

Олти нафар ўқувчи республика танлов олимпиадаси ғолиби бўлди. Улардан икkitаси - Умид Раҳмонов ва Мурод Умаров Бухоро вилояти, Қорақўл туманидаги ихтисослаштирилган мактабнинг 10-синф ўқувчи-

си. Уларга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги номидан йирик миқдордаги пул мукофоти топширилди.

Олимпиада мобайнида Ўзбекистон терма жамоасининг заҳирасига яна 12 нафар таланти ёш математик танлаб олинди. Ана шу 18 нафар ўқувчи уч ой давомида С.Сирожиддинов номи мактабда пухта тайёргарликдан ўтади. Уларга Ўзбекистон Миллий университети ва республика Фанлар Академияси тизимидаги ўқитувчи олимлар сабоқ беради. Шундан кейингина уларнинг энг кучлилари Халқаро олимпиадада Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан уюштирилган бу турдаги тадбир илк бор ўтказилмоқда. Келгусида уларнинг анъанавий бўлиб қолиши кутилмоқда. Бошқа фанлар, жумладан, химия, биология ва физика фанлари бўйича ҳам академик лицейлар ва мактаблар ўртасида олимпиадалар ўтказиш режалаштирилмоқда.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири



ИШОНЧ ҚАРВОНЛАРИ

Тест синовни - адолат мезони

Республика таълим марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ташкил этилган "Ўзбекистон Республикасида тест синовларини ўтказишнинг бугунги аҳоли ва ривожлантириш муаммолари" мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда таълим муассасалари раҳбарлари, мураббийлар ҳамда АҚШ, Англия, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларидан келган етакчи мутахассислар қатнашди. Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин таълим тизимини такомиллаштириш, уни жаҳон андозалари даражасига етказишга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, тест синовларининг жорий этилиши олий ва

ўрта махсус ўқув юр்தларига ўқишга қабул қилишда ижтимоий адолатни қарор топтиришга имкон яратди. Олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларига қобилиятли ёшларни танлаб олиш, малакали кадрлар тайёрлаш мамлакатимиз иқтисодиёти, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳанинг барча тармоқларидаги ислохотлар муваффақиятини таъминловчи интеллектуал салоҳиятни бунёд қилиш йўлидаги муҳим вазифадир. Конференция иштирокчилари тест тизимини такомиллаштириш омиллари, умумий ўрта таълим мактабларида тест синовларини жорий қилиш истиқболлари хусусида ўзаро фикр алмашди.

О.Норбеков,
ЎЗА мухбири

Миллий ғоя — келажак йўли

Бундан буён давлат, тузум, жамият, мулк, ҳуқуқ, тарих, миллат, қадрият ва шу каби кўплаб масалалар бўйича эски тасаввурлар билан яшаб бўлмаслиги аён. Ҳўш, тасаввурларимизнинг қай бирлари эски? Улардан қандай қутуламиз? Янги тушунча ва қарашларни шакллантириш учун нима қилиш керак? Сиёсий, иқтисодий, маънавий онгни ўзгартиришдан кўзланган бош мақсад нима?.. Бугун бу саволлар маънавият ва маърифат ҳодимларини, миллий ғоя ва миллий мафкура тарғибчиларини, сиёсатчиларимизни ишлаш-изланишга, янги-янги йўл-йўриқ ва усуллар қидиришга ундайтади.

Энг яхши йўл - бевосита ҳаёт ичига кириб бориш, одамлар билан юзма-юз туриб, миллий ғоя ва миллий мафкурамиз, унинг аҳамияти ва бугун учун зарурати хусусида сўзлашиш.

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши шу мақсадда пешқадам зиёлилардан иборат жамоатчи тарғибот-ташвиқот гуруҳлари ташкил этди. Бу гуруҳлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар бўйлаб муҳим ва долзарб маънавий-маърифий мавзуларда турли учрашув ва суҳбатлар ўтказиш, маърузалар қилади.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбарининг муовини, филология фанлари номзоди Султонмурод Олимов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони масъул ходими, исломшунос Зухриддин Хусниддинов, адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди Зухриддин Исомиддинов, "Шаҳидлар хотираси" жамғармаси ижрочи директори, юридик фанла-

ри номзоди Бобоқул Тошевлардан иборат гуруҳ Фарғона водийси вилоятларида "Миллий ғоя ва миллий мафкура - келажак йўли" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирлар мажмуини ўтказиб қайтди.

Тарғиботчилар аввал "Онгни ўзгартириш - туб мақсад /Миллий ғоя ва миллий мафкура тарғиботи таъсирчанлигига эришиш йўлида/", "Ислом ва диний экстремизм: ғоялар кураши", "Ўйнаб гапирсанг ҳам - ўйлаб гапир (Миллий мафкура аҳамияти ва мафкурасизлик фожеаси)", "Ҳуқуқий онг равнақи маънавий баркамоллик белгиси сифатида" мавзуларида турли туманларда маъруза қилдилар. Кейин вилоят марказларидаги йирик залларда барча туманлардан келган вакиллар ҳузурида суҳбат қурдилар.

Одамлар мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар миллий ғоя ва миллий мафкурани кучайтиришга, миллий ғоя ва миллий мафкура такомилли эса сиёсатимизни янада мустаҳкамлашга омил бўлаётганини дилдан ҳис этдилар.

Аҳоли ҳузурида миллат ва халқ тақдири ҳақида, ўзгараётган тезкор замон билан ҳамқанда бўлиш аҳамияти хусусида сўзлашишнинг самарали таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Буни тадбирлардаги иштирокчилар фаоллиги, қизгин баҳс-мунозара, савол-жавоблар ҳам тасдиқлаб турди.

Мурод ҲОШИМОВ,
(ЎЗА)

ЎЗБЕКЛАР МАДАНИЯТИ — ЯПОНЛАР НИГОҲИДА

Япониянинг "ОАК Принт" компанияси раҳбари Мамико Окабе хоним Ўзбекистон Бадий Академияси кўмагида 2001-2002 йилларда Японияда Ўзбекистон тўқимачилик ва халқ амалий санъати усталарининг кулолчилик маҳсулотлари кўргазмасини ташкил этиш учун юртимизга ташриф буюрди. "Туркистон-пресс" мухбири билан мулоқот бўлиш, юртдошларимизни ўзбек халқининг бой маданий мероси билан яқиндан таништиришди.

Японияда намойиш этиладиган экспозицияда миллий ҳамда замонавий тўқимачилик маҳсулотлари, республика музейларини бебаз турган қадимий каштачилик ва халқ хунармандчилигининг

бошқа намуналари жой олиши кўзда тутилмоқда. Халқ амалий санъати усталарининг фаолиятини чуқур ўрганиш ҳам сафарим давомида муҳим режаларимдан биридир.

Япон мутахассиси ёрдамида Ўзбекистонда яқин келажакда махсус кулолчилик ускунасини куриш ниятидамыз, таъкидлади Мамико Окабе хоним. Ўзбекистондаги ускуналар маҳсулотини 800 даражагача пиширади. Япониянинг замонавий ускуналари эса 1250 даражагача пишириш қувватига эгадир. Кулолчиликда босим миқдори қанчалик юқори бўлса, маҳсулотнинг сифати шунча мукамаллашиб, у ҳаттоки, чинни идишлардан қолишмайди даражагача етади. Уйламанки, бундай ҳамкорлик икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарининг яна ҳам мустаҳкамланишига хизмат қилади.

"Туркистон-пресс"

Мен ушбу қалб сўзларимни ёзар эканман ҳозирги кунда миллий қадриятларимиз, диний урф-одатларимиз тикланиб, халқимиз турмуш тарзи яхшиланиб бораётган бир вақтда бу жараёни "чет"дан кузатиб турган, уни кўролмаётган ҳасадгўйларнинг қора қилмишлари ҳақида мамлакатимиз ёшларини, тенгдошларимни яна бир бор огоҳ қилиб қўймоқчиман. Минг афсуски, мен ўз қабиҳиятларини диний ғоялар билан ниқоблаб, кишиларни асоссиз даъватлар билан чалғитган ва

ҳам мен кечикиб билдим.

Яна афсуслар бўлсинки, уша машъум февраль воқеаларидан кейин, унинг халқимиз оёйиш-талиғига, мамлакатимиз мустақиллигига таҳдид солувчи, қўпуровчи оқим эканлиги маълум бўлгач ҳам кўзим очилмади, айбимни бўйнимга олиб, кечирим сўраб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилмадим. Чунки бу пайтда бу йўлга кириб қолишимда "ҳисса" қўшган баъзи танишларим жиноий жавобгарликка тортилган эдилар. Менинг ҳам ўшалардан бири экан

борилаётган халқчил сиёсатнинг меваси эканини ва улар ҳалол меҳнат қилишга, бойишга шароит яратётган давлатимиз раҳбариятининг иродаси эвазига келганини англаб етмадим. Аксинча, юртимиздаги барқарорликка қасд қилган, бизнинг оиламиз сингари минглаб оилалар, кўп миллатли халқимиз фаровонлиги гарови бўлган конституцион тузумга қарши бўлган экстремистлар сафига кириб қолдим. Нонқур бўлмасам, бузғунчи "тахрир"чиларга ёки бошқа ҳасадгўй ғаламисларга эргашар-мидим?

Х у к м
ўқил-



жаҳолат ботқоғига тортаётган ғаламислар тузоғига илинганлардан бириман.

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан юз йиллаб топталган урф-одатларимизга, виждон эркинлигига юртимизда кенг йўл очилди. Лекин, надоматлар бўлсинки, биз — баъзи ёшлар Оллоҳнинг буюк

нимни эса, гўё ҳеч ким сезмаган эди. Қолаверса, ўтган давр ичидан мен "Хизбут-тахрир"чилар кўрсатмаси билан бир қанча жиноий ҳаракатларни содир этиб бўлгандим. Бу оқим вакиллари-нинг кўча-кўйда менга қилган таҳдидлари, кўрқитувлари ҳам таъсир қилган эди.

Аслида менга нима кам эди? Мен Тошкент шаҳрида туғилган

Мухарририятга ҳар куни республикамизнинг турли жойларидан ўнлаб мактублар келади. Кишилар ўзларининг қувонч-ташвишларини, қалбига ҳаяжон солган воқеаларни қаламга олишди, фидойи юртдошларимиз эришяётган ютуқлар, ҳаётимизда учраб турадиган айрим муаммолар хусусида фикр юритишди. Аммо биз бугун сиёсий эътиборингизга ҳавола қилмоқчи бўлган мактуб бошқаларга ўхшамайди. Ушбу мактубни иймон ва эътиқод йўлида адашган, дин ниқоби остидаги ғаламислар қутқусига учиб оғир жиноят — Ватанга хиёнат кўчасига кирган ва бугунги кунда ўз тубанлигидан надомат чекаётган бир юртдошимиз йўллаган. Уни ўқир экансиз, ҳали ўн гулидан бири очилмаган, ўйламай қўйилган бир ноҳўя қадами туфайли ўз келажagini барбод қилган йигит қиёфаси гавдаланади. Ёдингизга ҳазрат Навоийнинг мана бу машҳур байти тушса ажабмас:

Агар эл қилмади ҳимоят сенга,
Ўзингдан керакдир шикоят сенга.

Афсуски, бу қаҳрамонимизнинг кўзи кеч очилди, у ўз қилмишлари учун жиноий жавобгарликка тортилган. Аммо, ҳали оила қуришга ҳам улгурмай қора курсига ўтирган йигитнинг афсус-надомати кимгадир сабоқ бўлар деган умиддамыз.

неъмاتي бўлган тинчликнинг ва оёйишталликнинг қадрига етмадик.

Мен ҳам кўп қатори масжидга қатнай бошладим, дуч келган шубҳали шахслардан кўр-кўрона дин ўрганишга киришдим. Охир-оқибатда ўз олди-ларига бутун дунёни бўйсундириб, ягона халифалик давлатини куришни мақсад қилиб қўйган "Хизбут-тахрир" оқими-га мансуб ғаламислар тузоғига илиндим. Дастлаб, менинг дин-га қизиқишимни кўрган "Хизбут-тахрир"чилар динни яхши тушунмаслигимдан фойдаланиб, Исломни ўргатамиз, деб даъват қилишган эдилар. Мен ҳам у вақтда "Хизбут-тахрир"ни ҳолис динни тарғиб қилувчи таълимот деб ўйлагандим. Билимсизлик ва жаҳолат кўзларимни кўр қилиб қўйган экан. Акс ҳолда, "Қуръон"да, Мухаммад Пайғамбаримиз ҳадисларида келтирилган, "Динда турли фирқаларга бўлинманлар! Турли гуруҳларга бўлинганлар мўминлардан эмас!" деган ҳикматларини билган ва англаган бўлардим.

"Хизбут-тахрир" оқими дунёнинг бирор-бир мамлакатидан тан олинмаслигини, ҳатто муслимон давлатларида ҳам бу ҳаракат тарафдорлари ўзларининг экстремистик фаолияти туфайли таъбиқ этилишини

ман. Эсимни таниганимдан бери муҳтожлик нималигини билмай ўсдим. Яқиндагина Тошкентдаги энг нуфузли олий ўқув юртини тамомлагандим. Аввалига шаҳар миқёсидаги давлат идораларидан бирида, кўпчилик ҳавас қиладиган лавозимда иш бошлагандим. Ҳеч қанча вақт ўтмай янада юқори-роқ, яна ҳам обрўлироқ хизматга ўтдим. Келажаким олдинда, орзуларимнинг поёни йўқ эди. Ҳали уйланиш, оила қуриш ҳақида ҳам жиддийроқ ўйлаб кўрмагандим. Ҳаммаси ўзимнинг нодонлигим туфайли барбод бўлди.

Отам хизматчи эди. Мустақилликдан сўнг яратилган имкониятлар туфайли хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишга ўтди. Бир неча йил ичида ўрта ҳол мулкдорга айланди. Катта бозорлар ҳудудидан бир қанча хусусий дўконларга эга бўлгандик. Ҳовлимизга ҳашаматли қилиб уй-жой қургандик. Отам ва акамнинг шахсий автомобиллари бўлгани ҳолда, менга ҳам энг замонавий русумдаги хорижий маркадаги машина олиб беришган эди.

Минг афсуски, пешонам деворга урилмасидан илгари бу моддий бойликлар қаердан келпти, оиламиз фаровонлиги нима ҳисобидан бўляпти, деб ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. Буларнинг бари юртимизда олиб

лигини кечикиб тушунган, қилган ишидан пушаймон бўлаётган мендай бир тенгдошингизнинг нидоларига қулоқ солиб, соғлом фикр юритинг! Токи сиз ҳам мен каби адашманг, мен каби ҳақиқатни англашга кечикманг!

Эл-юрт тотувлиги, халқимиз фаровонлиги, ватанимиз равнақига таҳдид солувчи, ўзларининг бўлмағур ғоялари билан юртимизни қайтадан қулликка етакловчи ҳар хил ғаламис оқимларга кўр-кўрона эргашманг!

Турли хил бузғунчи ғаламис оқимлар таъсирига тушиб, жаҳолат йўлига кириб, сарсонсаргардон бўлиб юрган ёшлар! Нега сиз буюк аждодларимиз тариқати қолиб қандайдир номинишони йўқ, чаламулла "тахрир"чиларга эргашингиз керак?! Мен сингари кўр бўлсангиз ҳам, нонқур бўлманг, мендек нонқурлик қилманг!

Ҳали кеч бўлмасидан туриб, кўзингизни очинг! Кечагина эркинликка чиққан юртимизни ўзларининг жирканч ғоялари билан яна қуллик домига тортаётган манфур кимсаларга, уятсиз ватангадоларга эргашманг! Буюк неъмат бўлмиш мустақилликнинг, юрт тинчлиги ва халқимиз фаровонлигининг қадрига етинг!

ҚАҲРАМОН



Соғлом авлод — миллат келажаги

Чинчилик

"МУРКИСТОҲ" газетаси иловаси. 2000 йил 5 Апрель № 13 (70)

"Келин-куёв"нинг Ўзбекистонда миллионлаб мухлислари бор. Яқинда Юртбошимиз Ислам Каримов бу оддийгина журналист фаолиятига юксак бир меҳр билан баҳо берганлиги ёш ижодкорларни беҳад мамнун этди.

— Соат ака, суҳбатимизни соат миллари бўйлаб бошласак.

— Майли.

— Нега айнан шу ном танланди?

— Кўрган бўлсангиз яқиндагина "Келин-куёв"нинг 36-сонини эфирга чиқардик. Агар биринчи кўрсатувга қайтадиган бўлсак, унга ном танлаш анча қийин бўлган. Аввал кўрсатувни "Янги оила" ёки "Бахтли оила" деб номламакчи эдик. Лекин суҳбатлашиб, тортишиб шундай хулосага келдикки, энг яхшиси — "Келин-куёв" экан. Чунки бу даврни ҳамма ўз бошидан ўтказган.

— Бизда энди ўзбекчилик-да, ҳамма ҳам турмуш ўртоғи билан қандай топишган-у, учрашганини ойнаи жаҳонга чиқиб "достон" қилишни ёқтирмайди.

олдин телефонда гаплашамиз, кейин суҳбатдан ўтишади. Энг аввало келин ҳам, куёв ҳам экранга чиқишга тайёр бўлиши керак. Баъзида шундай ҳолатлар ҳам бўлади: келин яхши гапиради-ю, куёв худди шунақа бўлган, деб тураверади.

— Демак, сизларга "тилли-жағли" келин-куёвлар керак.

— Жа унчалик эмасу, ҳарқалай турли вазиятлардан актёронга чиқиб келин-куёвларни ҳар томонлама синовдан ўтказамиз. Кези келса уларнинг қандайлигини орқаваротдан сўраб-суриштирамиз. Талаби бор — 3 та курсида ўтирганларнинг фикрлашлари бир-бирига тўғри келиши ҳам керак.

— Мана шу кунгача биз хабар топганимиз 108 та оиланинг сиридан воқиф бўлдингиз. Бирортасининг кейинги ҳаёти билан қизиқиб кўрддингизми?

— Очиғини айтсам шу саволни берармикансиз, деб кутиб тургандим. Шундай ниятим бор 40-кўрсатувдан кейин ҳар 15 кунда "Келин-куёв"да иштирок этганларни

бўлдик. Бунинг ўзи бўлмагандир?

— Агар эътибор бериб кўриб бораётган бўлсангиз, доимий иштирокчиларимиз аксарият 20-30 ёшлилар атрофида. Чол-кампирининг келишлари қизиқ бўлган. Ўтган йили бир оғайнимникида маросимда бўлдик. Шу отахон билан ўзаро гаплашиб қолдик. Кўрсатувимнинг мухлиси эканлар. "Сизни ҳам намунали оила сифатида таклиф этсам борасизми", деб сўрасам: "Бораман, кампирим ҳам ўзимдан кувноқина" дедилар. Хуллас, 11 ой ўтгач, уларнинг розилигини олиб кўрсатувга таклиф қилдим.

— Соат ака, бу борадаги саволлар мухлислар номидан:

"Нимага Соат Шарипов кўплай илтимослардан кейин ҳам ўз кўрсатувда оиласи билан қатнашмаяпти?"

— Зўр савол. Бунинг учун Гулсара Шариповани кўндириш керак. Хотиним бошида рози бўлганди. Унча

"КЕЛИН-КУЁВ"НИНГ 36 —

(Соат ШАРИПОВ "Чинчилик" маҳорати)

— Жуда тўғри, буни мен биринчи кўрсатув тайёрлаш жараёнида англагандим. Илк иштирокчиларимдан бирининг хотини рози бўлса, иккинчисининг эрини гапга кўндириб бўлмади. Хуллас, "Келин-куёв"нинг биринчи иштирокчиларини ўзим ахтариб топдим. Адашмасам ўшанда спорт шарҳловчимиз Зафар Имомхўжаев ва Отабек-Ферузахонлар оиласи чиқишганди. Кейин улар машхур бўлишди. Кейин келин-куёвларнинг ўзлари ҳам биз қатнашсак бўладими, дея кўнғироқ қила бошлашди. Ҳозир иштирокчиларимизнинг 98 фоизи ўзи хоҳлаб эфирга чиқади.

— Агар сир бўлмаса "Келин-куёв"ларингизни қандай синайсиз?

— Ҳали айтганимдай улар билан

тадиганлар бўлсинда.

— **Хафа бўлмангу кўрсатувингизда доим антиқа тарзда танишганлар чиқади. Бу тасодифми ёки?..**

— Келинг, шу нарса сир бўлиб қолсин. Лекин шуни алоҳида айтмоқчиман, биз келин-куёвларни ҳар томонлама синовдан ўтказамиз. Кези келса уларнинг қандайлигини орқаваротдан сўраб-суриштирамиз. Талаби бор — 3 та курсида ўтирганларнинг фикрлашлари бир-бирига тўғри келиши ҳам керак.

яна бир студияга таклиф қиламан.

— **Умуман кўрсатувингизда кимлар билан учрашишни хоҳлайсиз?**

— Аввало томошабинга кимлар ёқса ўшаларни. Агар ўзимга қолса машхур санъаткорларни, улар билан гаплашиш энгилроқ. Кўпинча шундай таклифли кўнғироқлар, мактублар келади. Баъзида нимага фақат машхурларни берасизлар, оддий касбдагиларга нима бўлган, дея хафа бўлишади. Хуллас Соат битта хўжайин мингта (албатта ҳазил).

— Мана яқинда 70 ёшли кампир-чолнинг "муҳаббат"ларидан воқиф

ёқмаса керакда. Лекин энг биринчи маслаҳатчим, танқидчим шу аёлим.

Тўғриси айтидиган бўлсам мен 4 йил орқасидан сарсон юриб Гулсарага зўрга уйланганман. Шу учун унинг гапини икки қиллолмайман. Лекин бундан кейин ҳаракатга тушаман, кейинги 5-10 йил ичида кўндирсам керак.

— **Қандай режаларингиз бор?**

— Кўрсатувни кенгайтирмоқчиман. Албатта Президентимиз таклифлари бизга яна куч-қувват ато этди. "Келин-куёв+қайнона", "Агар мен келин бўлсам", "Агар мен куёв бўлсам" каби саҳифалар тайёрласам...

Суҳбатдош ЛАЙЛО

Ўзингиздан бошқа ҳеч ким, ҳатто ўша йигит ҳам билмаган ҳолда уни севиб қолдингиз. Лекин йигит буни билмайди. Сиз севиб қолганингизни тез орада билдирмасангиз ишқ ўтида ёниб кул бўляпсиз. Буни қандай қилиб билдирардингиз ёки нима қилардингиз?

ОЛТИНОЙ,
Қорақалпоғистон Республикаси

1. Севган кишингиз олдин турмуш қурган бўлса ҳам рози бўлармидингиз?
Айтайлик, бир қизни севиб қолдингиз, лекин у турмуш қурган (ажралишган), сиз қандай йўл тутардингиз? Ота-она рози бўлмаса-чи?

2. Севган ёрингизнинг жаҳли чиқиб уришига, сўкишига чидармидингиз?

3. Айтайлик, келинлар: сизлар олий маълумотлисиз, куёв томон касбингизни ўзгартиришга ёки умуман ишлатишмаса қандай йўл тутардингиз?

Турмуши бузилиб кетган қайнсингил, қайнагачиларингиз ҳар хил сабабларга кўра жанжал излаб, иккингизни уриштиришса, нима қилардингиз?

Марғуба ЗОКИРОВА,
Чилонзор тумани

Келинларга саволим: Қайнонали келин қарқара келин, қайнона-сиз келин масҳара келин, деган мақолни изоҳлаб беринг.

Куёвларга саволим: Оилада кимнинг ҳукмронлигини хоҳлайсиз?

Шу куннинг оилага талаби нимада деб ўйлайсиз?

Ҳурмат билан мухлисингиз,

Қаҳҳор ОРТИҚОВ,
Пахтачи тумани

Агар қизингиз ёки ўғлингиз бирортаси билан севиб турмуш қурмоқчи бўлса-ю, лекин у оила сизга ёқмаса, тўғри келмаса нима қилар эдингиз? Фарзандингиз учун рози бўлармидингиз ёки аксинча? Бирор бир кечада ёки тўйда сизнинг турмуш ўртоғингиз эканлигидан беҳабар бир йигит хотинингизнинг йўлини тўсиб, ҳадеб ўйинга таклиф қилса, шунда нима қилар эдингиз? Бориб рашк туфайли уришиб кетармидингиз ёки тушунтирармидингиз? Унга ҳамма қараб турибди. Ўзингизни қандай тутардингиз?

УМИДА,
Риштон



МЕН
ВАУ

Руслан ШАРИПОВ: “НАК СЕВТИНИИ ТУШУНМАЙМАН”

— Руслан ака, аслини олганда ижод ҳам муҳаббат. Лекин анча йиллар ойнаи жаҳонда кўринмай қолдингиз.

— Мен 10 йилдан зиёд вақт мухлисларимдан четда юрдим. 20 ёшим билан 30 ёшим ўртасидаги умримда кўп нарсаларни йўқотдим. Кези келганда арзимаган маблағ учун кимларгадир қўшиқлар ёзиб бердим. Қийналган пайтларим бўлди. Лекин Оллоҳ мени ўзи қўллади, ҳаётни ўрганиб, яхши кадрдонлар топдим.

— Адамасак ўшалардан бири Юлдуз Усмонова бўлса керак?

— Тўғриси айтишим зарур. Энг оғир кунимда Юлдуз ва “Хўжа” гуруҳининг продюсери Юнуслар билан танишдим.

Саҳнага эса яна етаклаган Юлдуз Усмонова бўлди. Унинг ўзи ахтариб уйимга келди. Овозимни эшитиб: “Сен кўшиқ ҳам ай-

тишинг керак” деди. Шундан кейин биргаликда дуэт яратдик. Хуллас, мен яна ўз мухлисларимни топдим.

— 33 ёшингизда муҳаббат ҳақида нималарни кашф этдингиз?

— Муҳаббатсиз одам кераксиз бўлиб қоларкан. Яна бир нарса бор; кимни севиш ва кимдан севилишни билиш керак. Масалан ўзим севгим учун мусиқадан, Ватанимдан, яқинларимдан воз кечмаганман ҳам. Уларнинг меҳри бошқа нарсалардан доим устун туради.

— Нимаси билан севилган муҳаббатни илк муҳаббат деб атайсиз?


— Эътибор берган бўлсангиз илк севгилар доимо ташқи томон билан қадрланади. Қаддиқомати, чиройли хусни-жамолини яхши кўрасиз. Ўша севги азоб-уқубат. Шунинг учун илк севгимни эсламайман, эслашни ҳам хоҳламайман. Агар севги ҳақиқий бўладиган бўлса, у йиллар ўтганидан кейин келади. Ўшанда на унинг ёшига, на унинг миллатига

эътибор қаратасиз. Энг асосий нарса сен учун унинг маънавияти, дунёқараши бўлиб қолади.

— Руслан Шариповнинг

интервью бериб, менга турли бўҳтонлар ёғдирибди. Жуда хафа бўлдим. Мен ҳам унга жавоб йўллашим мумкин эди. Лекин майда-чуйда гаплар билан майдалашишни хоҳламайман.

ҳаракат қилган. Лекин одам мен уни севарканман, рашк қилишим шарт дейиши керак эмас. Яхши-си шайтоннинг гапига эмас, раҳмоннинг гапига шерик бўлсак яхшида.



сахнада бирдан пайдо бўлиши кўплаб миш-мишларга сабаб бўлмадими?

— “Маҳаллада дув-дув гап” демоқчисиз. Умуман миш-мишларга яхши қарайман. Яқинда бир нашрда узоқ йиллардан буён ўзимга дўст санаб келган ўртоғим

Кучли одам бошқалар ҳақида гийбат тарқатиб юрмайди.

— Оилангизда рашк қандай ўрин тутаяди?

— Ўзим рашкчиман. Хотиним Гўзала доим мени тушунишга

— Бастакор сифатида қандай қўшиқлар сизга ёқади?

— Севги ҳақидагилари.

ЛАЙЛО
суҳбатлашди



Дунёда мўъжизалар унчалик кўп эмас. Ана шундай мўъжизалардан бири Тож Маҳал қасридир.

Бобурийлар авлодидан Султон Шох Жаҳон Тож Маҳални бунёд этиб, Агранинг шуҳратини оламга ёйди. У мана шу қасрни барпо этиб тарихда абадий қолди. Муҳаббат қасрининг яратилиши тарихи қандай

Мумтоз унинг учун ҳамма нарсадан устун эди. Аммо тақдирнинг бевафолигини қарангки, 1636 йилда Мумтоз тўсатдан касал бўлиб, вафот этади. Шох Жаҳонга эса бу айрилиқ қаттиқ таъсир қилади. У беҳуш ётиб қолади. Ниҳоят ўзига келиб, фарёд чекади, “Эй, парвардигор, чидаб бўлмас бу мусибатга бардош бермоқ учун ўзинг

шини тушуниб етди. Севимли рафиқаси Мумтоз ўлими олдидан Шох Жаҳонга ўз муҳаббатларига муносиб мақбара қуришни васият қилганди. Шох Жаҳон ана шу васиятни бажариш-

дай кашфиёт айлагилким, куёшнинг само бўйлаб ҳаракатига қараб бу гўзал севги кошонаси турли рангга кириб, биллурдек товлансин. Турли рангдаги ақиқ, лаъл, марварид, садаф, зумрад, қаҳраб, ёқут ва бошқа тошлардан шундай инжа нақшлар ишлагилким, ишқ-муҳаббат, меҳр-содоқат туйғулари уларга жон киритсин.”

Тож Маҳал қуриб битказилгач, Шох Жаҳон ўзи учун айнан шундай, лекин қора мармардан ишланган мақбарани Жамна дарёсининг нариги қирғоғига барпо этишга киришди. Режага мувофиқ, ҳар иккита мақбара бир-бирлари билан қора ва оқ мармардан ишланган кўприк орқали боғланиши керак эди. Лекин Шох Жаҳоннинг бу режаси амалга ошмай қолади. Чунки унинг ўғиллари ўзаро тахт таллашиб, бир-бирлари билан курашардилар. Бунда Аурангзеб ғолиб чиқади. У отаси Шох Жаҳонни ҳибсга олиб, лаъл қалъага ташлайди. Шох Жаҳон умрининг охириги йилларини Мумтоз учун қурдирган мармар саройда ўтказади. Аурангзеб отаси вафот этгач, васиятга мувофиқ унинг жасадини Тож Маҳалга, Мумтоз ёнига қўйишни буюради. Неча-неча йиллар, асрлар ўтса ҳамки, ушбу муҳаббат қасри ҳамон инсониятни ҳайратга солиб келмоқда. Ҳар йили бу муқаддас жойга оила қураётган минглаб ҳиндистонлик ёшлар келиб зиёрат қилиб кетишади.


Иzzат АХМЕДОВ

МУҲАББАТ ҚАСРИ

бўлган?

Аржуманд Бону бегим ўн тўққиз ёшида шахзода Гурам (келажакда шох Жаҳон)нинг иккинчи хотини бўлган. У шахзоданинг севимли рафиқаси, оғир ва суронли йилларда яқин сафдоши бўлган. Ўша даврдаги тож-тахт талашлари, қирғин-баротлар бу иккала севишганларни синовдан ўтказди. Улар бир-бирига қаттиқ боғланиб қолади.

1627 йилда Шох Жаҳон тахтни эгаллаганидан сўнг, Мумтоз Ҳиндистон маликаси га айланади. Шох Жаҳон рафиқасини ниҳоятда севар, хурматини жойига қўяр, унинг шарафига катта-катта тантаналар ўтказар, уни еру-қўкка ишонмасди. Мумтоз тўққиз фарзанд кўради. Шахзода фарзандларини ҳам яхши кўрарди.



мадад бергин!” Шох Жаҳоннинг юрагидан отилиб чиққан бу сўзлар кейинчалик Мумтоз маликанинг қабр тошига ёзиб қўйилади.

У давлат ишларига ҳам қарамай, ҳеч нарсаси қизиқмай қўйди. Унинг учун дунё батамом тугагандек эди. Ўйлай-ўйлай у бу аҳволда ўзини ҳароб қили-

мақбара бунёд этилди. Турли эл-элатларнинг вакиллари бу муҳаббат қасрини қарийб йигирма йил давомида қурдилар.

Шох Жаҳон Исохон Афандига деди: “Сен гўзал ойнинг шаффоф нурини тошларга сингдир, ёруғ юлдузлар шуъласидан деворларга нақшлар чиз. Шун-

УЯТ
БЎЛМАДИ

— Ҳурматли Жаҳонгир Жамолович, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалдаги йил Соғлом авлод йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Сиз раҳбарлик қилаётган институтда қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Институтимизда ҳам бу борада қатор тадбирлар белгиланиб, изчил ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Унга кўра янги туғилаётган фарзандларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш билан биргаликда олиб борилишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Институтимизда мазкур соҳаларга оид амалий ишлар билан бир қаторда қатор тавсиялар белгиланиб, тиббиёт муассасаларига жўнатилмоқда ва улар-

сунъий кислород билан таъминланса, ўша хонадаги инфекцияга қарши курашга мослашади. Бу ондан узоқлашиш боланинг кейинги ҳаётида ҳам касалликларга чалиниш хавфини кучайтиради. Бу тизим амалиётда қўллангач, боланинг турли касалликларга чалиниши, айниқса сепсисга йўлиқиш ҳоллари деярли барҳам топди. Шугина эмас, боласи туғилиши билан эмизган оналарда бачадон қисқариши тезлашади, қон кетиш ҳоллари камаяди. Демак, болани туғилиши билан эмизиш ва онанинг бағрида сақлаш ҳар икки томон учун ҳам низоҳатда фойдалидир.

Бола бекорга йиғламайди. У ё оч қолади, ё таги ҳўл бўлади, ё бошқа бир сабаб бўлади. Шундай экан, биз эндиликда оналарга болаларни эмизиш учун регламент белгилаб қўйишларини бекор қилдик. Бола йиғласа вақт танламай эмизаверсин, она сути боланинг соғлом ўсишини таъминлайди. Касалликларга қарши курашувчи иммунитетни кучайтиради.


Илгари болаларга она сутига қўшимча равишда турли озуклар бериш тавсия қилинарди, бу ҳам ўзини оқламайди. Биз олти ойгача бола фақат она сути билан озукланишини тавсия қилдик. Ўғил туғилса ўттиз ой, қиз туғилса йигирма тўрт ой эмизилсин деган ота-болаларимизнинг ўғитлари ҳақиқат бўлиб чиқди. Она кўрагини шунча муддат эмган болалар орасида ўлим камаймоқда. Касалликлар деярли учрамаяпти. Болага жуда кичиклигидан овқат бериш уни қийнаб қўяди, қолаверса, унда бу хил таомларни ҳазм қилишга қувват ҳам йўқ.

ли антибиотикларни ҳам сотиб олишга мажбур бўладилар. Ахир, ўз ҳовлиларида битган мевалар, кўкатларнинг ўзи шифоку. Агар вақтида уни истеъмол қилиб турсалар, фалон пулга дори-дармонлар сотиб олишга эҳтиёж қолмайдику.

— Демак, кишиларимиз ўз ҳовлиларидаги мева-чеваларни емай бозорда сотиш билан оила бюджетини мустаҳкамлайман деб, ўйласалар ҳам амалда унинг тескариси бўлар эканда. Яъни, тайёр шифобахш ноз-неъматларни арзонгинага сотиб, унинг ўрнига қимматига дори-дармон харид қилиш худди шундан далолат бермайдими. Боз устига касалликка чалиниш азобларию унинг оқибатларини ўйласак, бу қилмишнинг нақадар фожеали эканлиги аниқ кўзга ташланади.

— Худди шундай.
— Жаҳонгир Жамолович! Муштарийларимизга институтингизда белгиланган гинекологик тадбирлар хусусида ҳам гапириб берсангиз.

— Гинекологик касалликлар оқибати бепуштлиқка олиб кела-



СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТ ТАЯИНЧИ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти директори, медицина фанлари доктори Жаҳонгир ҚУРБОНОВ билан мусоҳаба

нинг ижроси назоратга олинмоқда.

Институтимизда акушер ва гинеколог кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг билим ва малакаларини ошириш ҳам доимо эътиборимизда. Ҳозирги пайтда республикаимизда 350 та туғуруқ комплекси ишлаб турган бўлса, уларда меҳнат қилаётган мутахассисларнинг 50 фоизининг малакаси оширилди. Қолган соҳа мутахассислари ҳам яқин икки-уч йил ичида малакаларини тўлиқ ошириб, замонавий медицина талабларига жавоб берадиган кадрлар этиб тайёрланади.

— Акушерлик соҳасида янги тизимга ўтилаётганлиги ҳақида тез-тез гапирилмоқда. Бу тизимнинг моҳияти нимада?

— Бу тизим айтирлик мураккаб жараён эмас. Уни соддагина қилиб табиийликка қайтиш деса бўлади. Собиқ иттифок даврида ҳомиладор аёлларни ҳам, янги туғилган чақалоқларни ҳам турли нотабиий усулларда сақлаш, даволаш, уларга турли дори-дармонлар бериш кенг тарқалган эди. Биз эндиликда бундан воз кечмоқдамиз. Масалан, ҳомиладор аёлларнинг ҳомиласи тушиб қолмаслиги учун бачадонларини қисқартириш, туғруқни тезлаштириш, янги туғилган чақалоқни дастлабки кунларда онасидан ажратиб олиб, алоҳида сақлаш, уларни турли суюқлик ва витаминлар билан озиклантиришга эндиликда барҳам берилди. Негаки, ҳар бир нотабиий тиббий муолажа, айниқса, антибиотиклар истеъмол қилиш ҳомиладор аёлга ҳам, унинг янги туғилган фарзандига ҳам қандай таъсир этишини олдиндан аниқ кўриш қийин.

Аёлни тўлғоқ тутганида табиий равишда ўзи туғсин. Хатто унинг эри ҳам ёнида бўлишига рухсат бериш яхши натижага олиб келади. Негаки, бунда биринчидан она ўз ёнида фарзандининг отаси турганлигидан хотиржам, руҳан тетик бўлади. Қолаверса, ота ўз аёлининг тўлғоқ дарди машаққатларини кўриб, унга нисбатан янада меҳри ошади. Боланинг туғилиши биланоқ кўриш унга шодлик ато қилади, меҳри товланади. Қолаверса, шифокорларнинг қандай муолажа қилаётганини ўз кўзи билан кўради. Уларга ҳолис баҳо беради.

— Боя бола туғилиши билан онасидан ажратиб олинари, дедингиз, шу ҳақда батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Илгари собиқ иттифок пайтида марказнинг кўрсатмасига мувофиқ бола туғилиши билан у оқ чойшабга ўралиб, алоҳида хонада сақланарди. Чақалоқ турли витаминли суюқликлар ва ўзгалар сутидан тайёрланган озук билан таъминланарди. Йиғласа озига сўғич солиб қўйиларди. Бу нотабиий усул ўзини оқламайди ва ҳеч қачон оқламайди ҳам. Бизнинг янги тизимимизга кўра, бола туғилиши билан дастлабки ўн беш дақиқадаёқ онаси уни эмизади. Биринчи сут бола учун бир ойлик озук ҳисобланади. Қолаверса, бола онанинг ёнида ўзини бардам сезади. Турли касалликларга чалиниш хавфи камаяди. Ҳозирги кунда бола туғилиши билан онанинг қорнига ётқизиб қўйилади. Шунда бола онадан ҳарорат олади ва ўзи эмизшга талпинди. Онанинг қорнида ётган чақалоқ онасининг инфекцияга чидамлилик даражасини ҳам олади. Унга мослашади ва касалликка чалинмайди. Агар у алоҳида хонада сақланиб, сунъий ҳарорат,

Албатта, онанинг умуман сути бўлмаганлиги ҳолати бундан мустаснодир.

— Демак, бу янги тизим деганлари бир жиҳатдан олганда қадимги ота-оналаримиз усулига қайтиш эканда. Буни замонавий тил билан айтганда, миллий ўзлигини тиклаш деса ҳам бўлаверади, шундайми?

— Худди шундай.
— Боланинг соғлом туғилиши кўп жиҳатдан онага боғлиқ дейилади. Шу хусусда ҳам...

— Жуда тўғри гапни айтдингиз. Бўлажак она ўзини ҳомиладорликка жуда эрта тайёрлаши керак. У ҳар томонлама соғлом бўлиши зарур. Агар она аъзоларидан бири касалликка чалинган бўлса бу ҳомилага ҳам таъсир этмай қолмайди. Агар онада юрак пороги бўлса, унинг ҳомиласига ҳам ўтиши мумкин. Худди шундай бошқа касалликлар ҳам болага туғма равишда онадан ўтиши мумкин. Мен буйрак хасталикларига чалинган оналарни тадқиқ этганимда улардан туғилган чақалоқларнинг тўққиз фоизидан туғма равишда шундай касаллик учраганлиги аниқланди.

Худди шундай бўлмаслиги, яъни болаларнинг соғлом туғилиши учун туғиш ёшидаги аёлларимиз ўзлари яшаб турган поликлиникаларга бориб, у ердаги мутахассислардан маслаҳатлар олиб туришларини ҳаёт тақозо этади. Республикаимизда бунинг учун барча шарт-шароит яратилган. Ҳар бир поликлиникада замонавий ускуналар билан жиҳозланган маслаҳатхоналар бор.

— Жаҳонгир Жамолович, энди XXI аср бўсағасида аёлларимизда кенг тарқалган камқонлиг касаллиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Тадқиқотларимизга кўра, республикаимиздаги ҳомиладор аёлларнинг 60-70 фоизи шу касалликка чалинган. Бунга кўплаб аёлларимиз кўникиб ҳам кетишган. Бироқ у низоҳатда хавфли, ҳомилага ҳам таъсир этади. Анемия касаллиги билан оғриган оналардан туғилган фарзандларда мия яхши ривожланмаган бўлади. Бу улардан ҳар томонлама ривожланган етук инсонлар етишиб чиқиш даражаси паст бўлади дегани.

— Бу касалликнинг келиб чиқиш манбалари ва унинг олдини олиш хусусида ҳам тавсияларингизни айтсангиз.

— Мазкур касаллик асосан яхши овқатланмасликдан келиб чиқади. Айниқса, ҳомиладор аёлларимиз витаминларга бой, бакуват ва сархил таомлар билан овқатланишлари керак. Лекин ёш келинларимиз кўпинча ўзлари пиширган таомларнинг ҳам энг яхшисини эрларига, қайнона-қайноталарига илинадилар. Ваҳоланки, овқатнинг энг тўйимли, сервитаминли ҳомиладор келинчакнинг ўзи учун керак.

Қишлоқларимизда одамлар хатто ўз ҳовлиларида битган шифобахш меваларни ҳам истеъмол қилмай, бозорга олиб чиқиб сотадилар. Оқибатда витамин етишмаслик натижа-сида касалликка йўлиқадилар. Бундай пайтларда эса қиммат бўлса-да дори-дармонлар, тур-

ди. Шунинг учун ҳам бу касалликларни олдини олиш учун муҳим тадбирлар белгиланмоқда ва амалга оширилмоқда. Негаки бепуштлиқ туғайли кўплаб ёш оилалар бузилиб кетмоқда. Кўпинча бундай ҳолатда айбни аёлга қўйишади. Эр фарзанд кўрмаган аёлини қўйиб яна бошқасига уйланади. Лекин барибир фарзанд кўрмайди. Сабаби, унинг ўзи бепушт бўлади. Институтимизда бундай ҳолларнинг такрорланмаслиги учун кенг миқёсли тадбирлар амалга оширилмоқда. Гинекологик касалликларни вақтида аниқлаш имкониятига эгамиз. Масалан, аёлларимизда тез-тез учраб турадиган эндометриоз касаллигини олайлик. Бепушт аёлларимизнинг 36 фоизи худди шу касалликка чалинган. Агар улар вақтида мурожаат қилишса шифо топишади. Муддати ўтказиб юборилса аҳвол оғирлашади. Бундай касалликка чалинган аёлларимиздан 47 фоизи шифо топиб, фарзандли бўлишди. Мазкур кўрсаткичнинг дунё миқёсида ҳам худди шундайлиги бизнинг медицинаимиз савияси жаҳон талабларига мос келишидан далолат беради.

Гинекологик касалликлар жинсий алоқа йўлларининг яллиғланишига олиб келади. Бундай касалликларнинг ҳозиргача гонорея, трихомониаз, хламидиоз, уриаплазмоз каби 22 тури аниқланган. Улар яқин йилларгача ҳам бизнинг юртимизда кам учради. Кейинги йилларда кўпайиб бормоқда.

— Бунинг сабаби нимада?

— Менимча, аҳолининг чет элларга бориб келиши кўпайганлигида. Хорижга чиққан эркак ва аёлларимиз у ердан худди шундай касалликларни юктириб келишмоқда ва юртимизда кўпайишига сабабчи бўлишмоқда. Бу касалликларнинг олдини олиш бироз қийин. Сабаби шундаки, унинг клиник белгилари дарҳол юзага чиқмайди. Яъни беморнинг ўзи сезмайди. Агар у вақтида даволанмаса аёлларда бачадон йўли, эркакларда уруғ йўли бекилиб, пушсизликка олиб келади.

Бундай касалликка чалинганлар Европада 10 фоизни ташкил этади. Масаланинг ташвишли томони шундаки, айни пайтда бизда ҳам кўрсаткич шу даражага етиб қолди. Бу ташвишли ҳолга барҳам беришда тиббий муолажалардан кўра, унинг олдини олиш осон, қулай ва харжсиздир. Аҳоли орасида тушунтириш ишларини кучайтириш уларни ноахлоқий интим муносабатлардан ўзларини тийишга чақириш муҳимдир.

Гинекологик касаллар орасида кўп учраб турадиган хламидиоз касаллиги фақат жинсий аъзоларгагина эмас, инсоннинг бошқа аъзоларига ҳам таъсир этади. Инфаркт ва суяк бўғин касалликларини кўпроқ келтириб чиқаради. Ҳомилада зотилжам касаллиги пайдо бўлишига олиб келади. Бу хил касалликларга чалинган оналардан туғилган болаларнинг ҳам аксарияти кўр, инфаркт, шол ёки миёсида сув йиғилиш каби касалликларга туғма равишда чалинган бўлади.

Уларни даволаш ҳам оилага, ҳам давлатга нақадар қимматга тушишини бир тасаввур қилиб кўринг. Маънавий зарарларни-ку сарҳисоб қилишнинг ўзи душвор.

Айни пайтда ҳамма вилоятларда уролог, гинеколог ва андрологлар ишлаб турибди. Гинекологик касалликка йўлиққан кишилар хоҳ эркак хоҳ аёл бўлсин шифокорга учраб вақтида даволанишлари шарт. Аксинча юқорида таъкидлаганимиздек бепуштлиқ касаллигига чалинишади. Бир-икки фарзанд кўрганида ҳам улар турли даражада ногирон бўлишлари мумкин.

Бундай бўлмаслиги учун мен айниқса ёшлар ўртасида ахлоқий тарбияни кучайтиришни маслаҳат берган бўлардим. Негаки бу каби касалликлар худди шу соҳада ожиз кишиларга намоён бўлади.

— Кейинги пайтларда аёлларда турли ўсимталар учраши кузатилмоқда. Шу хусусда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Тўғри бундай касалликлар ҳам учраб турибди. Аёлларимиз унинг белгилари пайдо бўлиши биланоқ шифокорга учрашлари лозим бўлади. Лекин аксарият аёллар бундай қилишмайди. Касалликнинг учинчи-тўртинчи даражаси кузатилгачгина ноилоҳлиқдан шифокорга югуришади. Бундай пайтда уни даволаш қийин кечади. Агар ўсимталар пайдо бўлган аёллар вақтида шифокорга учрасалар, улар лапароскопия йўли билан операция қилинмай даволанадилар. Бундай усул билан даволанган беморлар икки кундаёқ шифохонадан чиқиб кетадилар.

— Ёши 40 дан ошган аёлларда учрайдиган климакс ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Бундай касалликка чалинган аёлларимиз кўпинча акушер-гинекологларга учрамай, невропатолог ва терапевтларга мурожаат қилишади. Чунки уларда ҳароратнинг гоҳ пасайиши, гоҳ кўпайиши, гоҳ қон босимининг ортиши, гоҳ асаб системасининг бузилиши каби белгилар намоён бўлади-да. Биз кафедрамизда бу касалликнинг келиб чиқиш манбаини ўргандик. Таҳлил шуни кўрсатдики, у туҳумдонда гормонларни, айниқса эстрогенларнинг етишмас-

лигидан пайдо бўлади. Бу касалликни вақтида даволатмаслик эса бемор суяклариди кальций моддасининг ювилиб кетишига сабаб бўлади. Унда суяклар мўрт бўлиб қолиб, салга синиб кетади. Ҳозирги пайтда бундай касалликларни даволаш учун имконият етарли. Беморлар индивидуал ўрганилиб, уларга зарур дори-дармонлар тавсия этилади ва улар бор.

— Соғлом авлодни юзага келтириш учун муштарийларимизга яна қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?

— Мен уларга энг аввало тиббий маданиятни ошириш керак дейман. Ҳар қандай касаллик ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Унга беморнинг ўзи сабабчи бўлади. Шундай экан, соғлом бўлиш учун ҳаракат қилиш керак. Агар бирор касаллик хуруж қилгани, инсон ўз турмуш тарзини яхши томонга ўзгартириши керак. Негаки касаллик нотўғри овқатланиш, кўп чекиш, ҳаяжонланиш, диққат бўлиш ва бошқа шунга ўхшаган иллатлардан келиб чиқади. Мен бирор касалликка йўлиққан бемор бўлса, унга биринчи навбатда "Касал бўлсанг, турмуш тарзинг ўзгартир" деган бўлар эдим.

— Раҳмат.

Суҳбатдош
Мурод КАЛОНХОН



Солланиб-солланиб, турмуш ўртоғи ва ўғиллари топган давлатда яйраб-яшнаётган қайноналарга эҳтиром қилсанг арзийди. "Қайноналик ҳам — санъат" десак бўлади. Энг муҳими — сиз ҳам куйиши керак эмас, кабоб ҳам. Насихатомузлик асосий мақсади бўлган баъзи оналар ҳам борки, уларнинг ниятини кўпчилик келинчақлар тушунмайди. "Хар ҳаракатимдан айб топади" деб, кўнгиллари зил кетади.

Беш қўл

пичинг аралашмикан? Биз сўровдан ўтказган 10 нафар келинчақнинг 8 нафари қайнонасида норози. Қолган икки нафари турмуш ўртоғидан. Ўзига танқидий қаровчилар кам...

Келинг, яхшиси эртами-индин ўғил уйлантириш, қиз чиқариш орзу-хавасида юрганларни суҳбатга тортайлик. Улар қандай қайнона бўлишмоқчи экан-а?

Илк ҳамсуҳбатимиз **Олмос Эргашева. Болалар шифокори. 43 ёшда.** Қизининг бўйи етган. Совчилар кунлар исизи билан бирин-кетин узун-қиска бўлиб кириб келишаётган экан:

— Ўзим 19 ёшда турмушга чиққаним учун ҳам қизимни эрта эрга бергим келмайди. Илоҳи борица атрофдаги ҳаётни ўргансин-кўрсин, дейман.

Мен ўн йилга яқин қайнона қўлида яшадим.

Тур-

БЕШ ДАҚИҚА КАМ ҚАЙНОНАЛАР

баробар эмас, деганларидек — ҳар хил қайноналар бор. Бири оилада мутлоқ ҳокимлик биринчилик учун курашса, яна бири ношуд келиннинг айбини ёпаман, деб тоза хуноб бўлади. Қайноналар бор — лабида патир пишган, қайноналар бор — бир кўрсанг ёнидан жилмасам дейсан. Хуллас, унисининг таърифин эшитиб фикр қиласан, бунисин кўриб шукр қиласан.

Қайноналар мактаби йўқ-ки, яхши ўзлаштирмаган "номзод"га "2" қўйиб, қайта имтиҳонга йўлласалар. "Чоллари" ҳам баъзи онахонлар билан 20-30 йил бирга яшаб, уларнинг йўлида туриш бекорчи машаққат эканлигини билиб, саҳна ортига ўтиб оладилар.

Аслида қайнона зоти доим ҳам серзарда, ўтакетган талабчан, ҳар сўзига

мушда ҳар хил гап бўлади.

Аммо қизим мен каби қийналишини истамасдим. Мен тушган хонадонда ўқиш, ишимнинг қадри йўқ эди. "Сессия, заҳёт" деганларимни биров англамас, мен учун шароит яратиб берилмаган. Иккинчи курслигимда қизим туғилган. Ўқишимни сиртқиға ўтказишга мажбур бўлгандим. Курсдошларимдан, ёшлигимдан ажралгандек бўлгандим ўшанда.

Насиб қилиб, қизимга яхши жойдан қудалар чиқса, болам 22 дан ошгандан сўнггина турмушга бераман. Майли, оғзига кучи етмаганлар "қизини бошига болиш қилмоқчи" десин.

Қайнона бўлгач, куёвимдан қизимни авайлашини, зориқтирмаслигини талаб қилардим. Қайнонани ҳам, онасини ҳам, қайнотаю отасини ҳам ҳурматини ўрнига қўйсин.

Дилором Мўйдинова, Каттақўрғон туманида истиқомат қилади. Уч ўғилнинг онаси:

— Одамлар орасида бир гап юради: қайнона қўлида роса "тарбия топган" келин ўзи қайнона бўлгач, келинини ҳам ўшандайин чигириқдан ўтказди, деган. Раҳматли қайнонам жуда кекса эди. Дийдорларига тўя олмадим, афсус. У кишидан ёмонлик кўрмаганман. Шу йил август ойида ўғлим Раҳмонқулни уйлантирмоқчимиз. Танлаган келинимиз чевар. Ниятим уларнинг болаларини кўриб, давру даврон сурмоқ. Агар зарурият туғилса, келинимга онадек муомала қиламан. Энг асосийси, одоби бўлсин. Ёмон кўрганим, кун чиққанда кўз ишқалаб уйғонган келин.

Орзигул Қаршибекова, Сурхондарё вилояти, Саросиё тумани:

— Қай-

нона бўласан дейишса, жуда ғалати эшитилади. Ҳа, эрта-индин тўй, ўғлимни уйлайман. Ҳамма нарсаси тахт — тўй учун.

Ўзимни кекса деб ҳисобламайман, кўнглим ёш. Шунинг учун келиним билан тезда тил топишиб кетсак керак. Фақат ўзим билмаган ҳолда уни ҳафа қилиб қўйишдан чўчийман. "Ҳамма ишга улгуришинг керак, қўлинг олти, оёғинг етти" бўлсин деб ўргатишади келинларга. Баъзан улар шундай бўлишим шарт экан деб, керагидан ортиқча ҳаракат қиладилар. Ёшгина жонларини, соғлиқларини аямай толиқиб қолишади. Қайнона эсликкина бўлса, "Ҳай келин, озроқ дам олинг" дер. Йўқса...

Мен ундоқ қайнона бўламан, бундоқ бўламан, деб ваъда бермайман. Ёшлар тинч бўлса бўлгани. Бу рўзгор ташвишлари ўткинчи. Асосийси — баҳамжихатлик. Юз ёшдан ошган момом бор. Энг биринчи қиладиган ишим, келинимни у кишининг олдида олиб бориб, дуоларини оламан.

ЯШНАР суҳбатлашди

"БАХТЛИ ОИЛА"

Оила тинч-тотувлиги кўпинча ота-онанинг масъулиятига боғлиқ, дейишади. Шундаймикан?

Ўспиринлар, эндигина мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўяётган келин-кевлар Бахтли оилани қандай тасаввур қилишади? Қўйидаги саволаримизга энг маъмули жавоб йўлаган мухлислар танловимизнинг ғолиби бўлиши мумкин.

1. Сиз ота бўлганингизда фарзандингизни қандай тарбия қилардингиз?

2. Болаларингиз сиздан ҳар жihatдан фарқланиши зарурми?

3. Ўз зурриёдингиз ўзингизга бўйсунмади, чунда...

Жавобларингизни "Бахтли оила" танловига деб йўланг.

Бизга ағиз бўлган БАҲРОМБЕК!

Сени табариккуд кўнинг билан табариклаймиз. Сенига узок умр, онад ва бахт тилаймиз. Ота ва онак бахтига ҳақиқат омон бўл. Сени табариклаб додажонинг, бувижонинг ва тоғажонинг Муродхўжа.



Ағиз сикимларин ДИПОРОМХОН ва ДИПДОРА- ХОН! Сизларни та-

валлид топган кўнингиз ҳамда баҳор байрақлари билан гил оракдан табариклаймиз. Сизга узок умр, бахт-саодат тилаб қолаймиз.

Адангиз, ойижонингиз ва акангиз Улуғбек!



Ағиз НАРГИЗА ва АБДУПАЗИЗ!

Сизларни бахт тўғйингиз билан гил қалбдан тўбораквод этамиз. Барга эзгу ниятларингиз рўёбга чиқишига тилакдошмиз.

"Туркистон" газетаси жамоаси

СИЗ ҚАНДАЙ АЁЛСИЗ?



Қайси қиз ўзини ойнага солиб, ҳусну жамоли ҳақида ўйга толмаган? Сиз ўзингизни латофатли, зебо маҳбуба деб биласизми? Немисларнинг "Аёллар учун журнал"ида чоп этилган куйидаги

тест саволлари ана шу каби шубҳаю-гумонларга чек қўйиши мумкин.

1. **Хаёл суришни ёқтирасизми?** - тез-тез — 0; баъзан — 2; ҳеч қачон — 5.

2. **Хар кунни ойна олдида қанча вақт турасиз?**

- бир неча соат — 0; бир соатга яқин — 1; бир неча минут — 3; ҳеч

қанча — 5; билмайман — 4.

3. **Сиз қандай кийимни ёқтира-сиз?**

- ҳеч ким киймаганини — 0; оддийсини — 3; арзонини — 2; чиройлигини — 1; қулайини — 4; спортча бичимлигини — 5.

4. **Тез-тез йиғлаб турасизми?**

- ҳа - 0; баъзан - 2; айрим вазиятларда - 3; ҳеч қачон - 5.

5. **Нима чекасиз?**

- чекмайман - 0; кучсиз сигареталар - 1; кучли сигареталар - 3; сигара - 4; трубка - 5.

6. **Коинасизми?**

- ҳа - 5; баъзан - 3; ҳеч қачон - 0.

7. **Спортнинг қайси тури билан шуғулланасиз?**

- ҳеч қайсиси билан - 1; парҳездаман - 0; жисмоний машқ қилиб тураман - 2; сузиб тураман - 3; енгил атлетика билан - 4; копток ўйнайман - 5.

8. **Спортнинг қайси турини томоша қилишни ёқтирасиз?**

- ҳеч қандай - 0; гимнастика, сузиш, енгил атлетика - 2; копток билан боғлиқ ўйинларни - 3; оғир атлетика - 4; автомусобақаларни - 5.

Натижаларни ҳисобланг:

0-6 балл. Сиз қадимги дунё хонимлари каби дилбарсиз.

7-14 балл. Сиз ҳозирги алғов-далғовли замонда ҳам аёллик латофатини йўқотмаганиз.

15-24 балл. Хар жиҳатдан эркақлардан қолишмасликка интиласиз.

25-34 балл. Сиз эркақлардаги барча бемаъни қилиқларни ҳам ўзлаштириб олиш билан ўзингизни замонавий аёлман деб ўйлайсиз.

35-40 балл. Сизда ўзингизнинг кимлигингизни очиқ-ойдин айтиб берганингиздан бошқа аёллик хислатлари кўринмайди.

Биз учун қадри бўлган дўстимиз Қудратилло АБДУЛПАЕВ!

Сизни туғилган кўнлингиз, яъни 16 эшингиз билан сатимий тўбораквод этамиз. Бахтилингизга доимо соғ бўлинг.

Дўстларингиз: Хуррият, Абдумухтор, Наргиза Андижон вилояти, Кўргонтепа тумани, 5-лицей-интернат

Ағиз укажонин НАВРЎЗБЕК!

Сени 6 апрель — туғилган кўнинг, тўғал эшинг билан табариклайман. Энг эзгу ниятларини сенга тилайман. Хар ишда Амлоҳ ҳамроҳинг бўлсин.

Опанг Феруза ҚУВОНОВА

"ЧИМИЛДИК"

"ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИНING ИЛОВАСИ

ИЛОВА ИЖОДКОРЛАРИ:
ЛАЙЛО, ЯШНАР, ЗИЁДА,
ШАХНОЗА

САҲИФАЛОВЧИ: БАХТИЁР

УЗА НЬЮ-ЙОРК.

БМТ Хавфсизлик кенгаши "Нефт эвазига озик-овқат" дастури доирасида нефт қазиб олиш техникаси эҳтиёт қисмларини харид қилиши учун Ироққа ажратилган маблағни қарийб икки ҳиссага ошириш ҳақидаги қарорни тасдиқлади. Унга кўра, эндиликда шу мақсадлар учун ажратилаётган маблағ 600 миллион АҚШ долларига етказилади. Илгари бу кўрсаткич 300 миллион доллардан бироз ошар эди.

ВЕНА. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Австрия ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Валднер 13-15 апрел кунлари Москвага ташриф буюради. Венада бўлиб ўтган Норвегия, Руминия ҳамда мезбон мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари бошлиқларининг учрашувида бу ҳақда маълум қилинди. Европалик меҳмон, Чеченистонда ҳам бўлишни ва у ердаги вазият билан яқинроқ танилишни режалаштирган.

БРАЗИЛИЯ. Бразилия Шарқий Тиморнинг тикланишида фаол иштирок этади, деди мазкур мамлакат президенти Фернанду Энрики Кардозу. Хусусан, томонлар таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш каби соҳаларда ҳамкорлик қилиши мумкин, деди президент. Шунингдек, у Шарқий Тимор маъмурий маркази - Дилида Бразилия ҳукумати расмий ваколатхонасини очишга ҳам тайёрлигини маълум қилди.

СЯНГАН. Синхуа ахборот агентлиги маълумотида қараганда, Тайванд уяли телефонга эга бўлганлар сони ҳозир 12,3 миллионга етган. Яъни, ҳар икки кишининг бири шундай телефон соҳибидир. Шунингдек, Интернет тармоғига уланганлар сони эса 3,36 миллион кишига етган.

СТОКГОЛЬМ. Норвегия иқтисодиёт, нефт саноати ва энергетика вазири Олаф Акселсен мамлакатда биринчи апрелдан бошлаб "қора олтин" қазиб чиқаришнинг бир кунлик миқдори 100 минг баррелга оширилганини маълум қилди. Мақсад жаҳон бозорида ушбу маҳсулот нархини барқарорлаштиришди, деди у.

Норвегия Фарбий Европада энг кўп нефт қазиб чиқарувчи мамлакат ҳисобланади.

ПРАГА. Словакия ҳукумати мамлакат шарқидаги дарёлар сатҳи сўнгги тўрт кун ичи-

да 3,5 метрга кўтарилгани ва тошқин хавфи юзага келганидан ташвиш билдирди. Ушбу хабарда таъкидланишича, маҳаллий маъмурий органлар аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчиришга шай турибди.

Тогларда қор эриши ва тинимсиз ёққан ёмғир дарёлар сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлган. Уч йил бурун ҳам бу ерда йирик сув тошқини юз берган ва 60 кишининг умрига зомин бўлган эди.

МАДРИД. Испания суди

бўлди. Ўтган якшанба кuni террорчиларнинг пистирмадан уюштирган ҳужуми оқибатида маҳаллий ўз-ўзини ҳимоя қилиш гуруҳининг 5 нафар жангчиси ҳалок бўлган. Бу каби тўқнашувлар сўнгги вақтларда давомий тус олмоқда.

ВИНДХУК. Ушбу ёмғирлар мавсумида Мадагаскарда учинчи бор кучли циклон ёприлди. Хабарларга қараганда, мамлакатнинг соҳилбўйи ҳудудлари циклон бошлаб келган кучли жала остида қолган.

дофий билан учрашувдан сўнг шундай деди. Улар бу ерда ўтаётган Европа Иттифоқи ҳамда Африка қитъаси мамлакатлари ҳукумат ва давлат раҳбарлари учрашувига ташриф буюрган эди. Ливиянинг халқаро муносабатларда муҳим ўрин тутиши Европа ва Африка манфаатларига мосдир, деди М.д'Алема.

БЕЛГРАД. Босния ва Герцеговинада барқарорликни сақловчи халқаро кучлар аскарлари ушбу ўлкадаги Серб демократик партияси етакчиларидан бири

лум қилди. Нигерия ҳарбийлари ушбу маблағни самолётларни таъмирлаш, тинчликни сақлаш операцияларига тайёрланиш ва ўтказишга сарфлайди. Шунингдек, Вашингтон маъмурияти мамлакат армияси офицерларини АҚШда ўқитиш учун 600 минг доллар миқдорида қўшимча маблағ ажратди.

ДЕХЛИ. Май ойида Хиндистон аҳолиси сони бир миллиарддан ошди. Ҳисоб-китобларга кўра, 11 май кuni мамлакатнинг бир миллиардинчи фуқароси расман рўйхатга олинди. Хиндистон режалаштириш комиссияси қошидаги аҳоли сони ўсишини режалаштириш бўйича махсус гуруҳ вакили шу ҳақда маълум қилди. Унинг айтишича, мамлакатда 1952 йилдан буён аҳоли сонини назорат қилиш дастури амалга оширилаётган бўлса-да, демографик ўсиш суръатини пасайтиришга муваффақ бўлингани йўқ. Агар ўсиш даражаси ҳозиргидек сақланиб турса, 2045 йилга бориб Хиндистон дунёдаги нуфузи энг кўп давлатга айланади.

ПЕКИН. Хитой мудофаа вазири Чи Хаотян Афғонистондаги урушаётган томонларни ҳарбий ҳаракатларга чек қўйиш ва тинчлик музокараларини бошлашга чақирди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, у расмий Пекин "Толибон" ҳаракати ва унинг раҳиблари билан бир хилда алоқада эканини ҳам тасдиқлаган. Чи Хаотяннинг сўзларига қараганда, Хитой Афғонистоннинг қўшниси ва БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси сифатида ушбу мамлакатдаги вазиятни диққат билан кузатиб бораётган, лекин унинг ички ишларига аралашгани йўқ.

ИСЛОМОБОД. Покистон ақин кунлар ичида икки давлат ўртасидаги темирйўл алоқасини тўхтатиши мумкинлиги тўғрисида Хиндистонни расман огоҳлантирди. Покистон ахборот манбалари тарқатган хабарларда айтилишича, бунга Хиндистон томони ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармагани сабаб бўляпти. Маҳаллий кузатувчиларнинг фикрича, Ислмобод тутатган бу йўл сиёсий мақсадларга қаратилган бўлиб, икки давлат ўртасида кескинлик кучаяётганидан дарак берувчи яна бир омилдир.

АБУЖА. АҚШ билан Нигерия ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик қайтадан бошланди. Мазкур мамлакатга ташриф буюрган АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэн ўз мамлакатини томонидан нигериялик ҳарбийларга 10 миллион доллар ажратилишини маъ-

мамлакат пойтахтидаги "Банесто" банкининг собиқ президенти Марио Кондени ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди. У раҳбарлик фаолияти вақтида банк ва унинг акциядорларига зарар етказганликда ва гайриқонуний равишда катта миқдордаги маблағни ўзлаштирилганликда айбланди. Шунингдек, у билан бирга банкнинг юқори лавозимли бир неча раҳбарлари ҳам турли муддатга озодликдан маҳрум қилинди.


ЛУСАКА. Замбия Президенти Фредерик Чилуба Ангола билан чегарадош ҳудудларга қўшимча ҳарбий қисмлар жўнатилаётганини маълум қилди. Унинг айтишича, Анголадаги вазият барқарорлашиш ўрнига тобора ёмонлашмоқда. Айрим жиноий тўдлар Замбияга қарашли ҳудудларга ҳам ҳужум қилиб, аҳоли тинчлигини бузаётган. Бу чегарадош ҳудудларга қўшимча кучларни сафарбар қилиш заруратини туғдирмоқда, деди у.

ЖАЗОИР. Жазоирда хавфсизлик кучлари ва диний экстремистлар ўртасидаги қуролли тўқнашув натижасида сўнгги икки кун ичида 11 киши ҳалок

Циклон марказида шамолнинг тезлиги соатига 280 километрга етмоқда. Маҳаллий обҳавони кузатиш хизмати вакилларининг айтишича, табиий офат бутун мамлакат ҳудудини қоплаб олиши мумкин.

ТЕЛ-АВИБ. Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб йиллик анъанавий сафари доирасида Исроилга ташриф буюрган АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэн Исроилнинг Жанубий Ливандан ўз қўшинини олиб чиқиш тўғрисидаги қарорини дадил қадам сифатида баҳолади. Бирок қўшиннинг бир томонлама олиб чиқиши вазиятнинг янада оғирлашувига олиб келиши мумкин, деди у. У Коэннинг айтишича, Исроил Сурия билан тинчлик битимини имзолаши билан, АҚШ бу мамлакатга хавфсизликни таъминлаш соҳасида ёрдам кўрсатишни бошлайди.

РИМ. Ливия бошқа мамлакатлар билан ўз муносабатларини тобора яхшилаб, халқаро сиёсат майдонига қайтмоқда. Италия ҳукумати бошлиғи Массимо д'Алема Қоҳирада Ливия раҳбари Муаммар Қад-



1. Қишлоқ хўжалиги тармоқларидан бири.
2. Сўқланиб қараш таъсирида "кирадиған" касаллик.
3. Узум навларидан бири.
4. Ўрмон ҳайвони.
5. Ширинлик тури.
6. Ўқув қуроли.
7. Мевали бута ўсимлиги.
8. Мўғулистондаги маъмурий-территориал бирлик.
9. Фасл.
10. Уфқда ҳосил бўладиган лоларанг қизиллик.
11. Дуторсимон қадимий чолғу асоби.
12. Энг олий неъмат.
13. Ўз оёқларини улуғлаш ва ардоқлаш туйғуси.
14. Хотин-қизларнинг энг баланд овози.
15. Бойлар оиласида ёлланиб хизмат қилувчи аёл.
16. Қадимий оёқ кийими.
17. Овқат устига солинадиган қўшимча масаллик.
18. Ҳаво босимини ўлчайдиган барометр.
19. Қиннинг металл учлиги.
20. Бирор нарсанинг қирғоғи, чети.
21. Инглиз кимёгари.
22. Кимёвий элемент.
23. Нобел мукофоти соҳиби, ирланд шоири ва драматурги.
24. Эрқағи ўт билан овқатланадиган йирик пашша.
25. АҚШ космик кемаларининг номи.
26. Муомаладаги но-зиклик, одоб.
27. Бутагуллилар оиласига мансуб кўп йиллик бадбўй ўт.
28. Қимматбаҳо тош тури.
29. Давр, вақт.
30. Кўз ёки бурун шиллиқ пардасининг яллиғланиши.
31. Дастор, салла.
32. Ҳинд шохмат устаси.
33. Оғиз.
34. Назоратчи, қаровчи, мудир.
35. Катта ҳажмли проза йўли билан ёзилган асар.
36. Бировга ҳеч нарсани раво кўрмайдиган.
37. Ҳинд океанидаги бир гуруҳ ороллар.
38. Дарс, маъруза ўтказиладиган хона.
39. Урта осийёлик шоир ва тарикат асосчиси.
- 40.

Ўн икки ойга тенг вақт. 41. Чикинди ипак. 42. Араб алифбосидаги ҳарф. 43. Русиядаги шаҳар. 44. Баҳр, уммон. 45. Ўрта Осиёдаги Ўрта аср шаҳари. 46. Русиядаги шаҳар. 47. Телесериал қаҳрамони Морена. 48. Уч томони берк, олди очик хона. 49. Шимолий Америкадаги шаршара. 50. Яқин қариндош эркак. 51. Туркия жанубидаги шаҳар. 52. Мушк. 53. Кўчиш. 54. Хом ашё. 55. 1917 йил Бельгиянинг Ипр шаҳри ёнида қўлланилган заҳарловчи модда. 56. Тишга суртилдиган махсус қора бўёқ. 57. Қозоғистондаги дарё. 58. Искандариялик олима, математик-астроном. 59. Туркистон шаҳрининг XII-XIV асрлардаги номи.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ

ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 25 март сониди эълон қилинган бошқотирма жавоблари

1. Магадан.
2. "Арсенал".
3. "Сангам".
4. Отабек.
5. Гавҳар.
6. Омон.
7. Ифрат.
8. Куба.
9. "Туркистон".
10. Асака.
11. Измир.
12. Хўроз.
13. Елкан.
14. "Умид".
15. Зулфия.
16. Оттава.
17. Оғу.
18. Турон.
19. Нитрат.
20. Чирчик.

СИДНЕЙ ОРЗУСИДА

Асримиз сўнгининг спорт оламидаги энг нуфузли мусобақаси бўлмиш Сидней Олимпиадасида вакилларимиз иккинчи бор юртимиз шарафини ҳимоя қилишди

Маълумки, Атлантада ўтказилган Олимпия ўйинларида 76 нафар спорт усталаримиз яшил майдонда ўз бахтини синашга муяссар бўлишганди. Айни чоғда 36 нафар вакилларимиз Сидней Олимпиадасига бориш ҳуқуқини қўлга киритишди. Бўлажак мусобақа олдидан спортчилар тайёргарлиги ва уларнинг сафини кенгайтириш имкониятлари ҳақида Миллий Олимпия қўмитаси президентининг спорт маслаҳатчиси Роман Ицков "Туркистон-пресс" мухбирига шундай деди:

— Ушбу мусобақада қатнашишни ҳар бир спортчи ўзи учун бахт деб билади. Чунки унда спортнинг фақат 40 та тури бўйича Олимпиада бахслари олдидан йўлланма берувчи жаҳон, қитъа ва учтадан бештагача бўлган саралаш беллашувларида тобланган, сон жиҳатдан чекланган сара юлдузлар куч синашади. Шу боис, ҳозирги кунгача йўлланма эгаси бўлган 10 та спорт тури бўйича вакилларимизнинг тажрибасини ошириб бориш мақсадида фақат юртимиздаги тайёргарлик машғулоти ва маҳаллий мусобақалар билан чекланмаёмиз. Уларга муносиб рақиб саналувчи мамлакатларда ўтказилаётган халқаро мусобақаларда ҳам иштирок этиб, тажриба оши-

ришга эътибор қаратаётимиз.

Сидней Олимпиадаси арафасидаги имкониятларимизни Атланта Олимпиадасига таққослайдиган бўлсак, 1995 йилдаги жаҳон чемпионатида биргина боксчимиз Дилшод Ёрбеков кумуш медаль билан қифояланган эди. 1999 йилги жаҳон чемпионатларидан 9 нафар спортчимиз медаль билан қайтишди. Улардан иккита олтин медаль боксчиларимизга тегишди. Демак, бу нараса ўсиш ва масъулиятнинг ошганлигини билдиради.

— Олимпиадачиларимиз сафини кенгайтириш имконияти қачонгача давом этади?

— Аксарият спорт турларидан қитъамиз чемпионатидангина Олимпиадага йўлланма олиш имконияти қолди. Якка кураш турларидан эркин кураш, юнорум кураши, дзюдо, оғир атлетика кабилардан май ойидаги Осиё чемпионати охириги имконият ҳисобланади. Шунингдек, апрель бошида бокс бўйича Бонгкокда "Қироли кубоги" учун кечадиган халқаро турнирда Ў.Ҳайдаров, Д.Ёрбековлар ўз вазнида биринчи ва иккинчи ўринларни олишса бас. Сузиш бўйича Малайзияда ўтаётган Осиё чемпио-

нати спортчиларимиз учун охириги синовдир. Синхрон сузишдан Сиднейдаги саралаш бахслари ҳам вакилларимиз сонининг ортишида муҳим аҳамият касб этади. Бу имконият энгил атлетикачиларимизда айниқса юқори. Ҳозирда улар 11 нафар бўлиб, сентябрда уларнинг сонини 20 нафарга етказиш мумкин.

Қиличбозлик бўйича ўтказиладиган иккита саралаш бахсларида камида бир нафар, июль ойида академик эшак эшиш соҳасида Швейцарияда ўтажак саралаш турнирида икки нафар олимпиадачилар ўрнини забт этиш кутилмоқда. Умуман олганда, 40 та спорт турининг 17 таси бўйича камида 75 нафар спортчиларимиз Олимпиада бахсларида Ватанимиз байроғи остида қатнашиши кўзда тутилмоқда.

— Олимпиада ўйинларига спорт турларидан қўшимча лицензиялар ажратиш тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Шу йилнинг май ойи охирида Халқаро Олимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича Халқаро федерациялар ва ташкилий қўмитанинг ҳамкорликдаги келишувига мувофиқ мусобақалар сарҳисоб қилиниб, қўшимча лицензия

ажратиш масаласи кўриб чиқилади. Миллий Олимпия қўмитамиз томонидан теннис, таэквандо, камонбозлик, велоспортшоссе, байдарка ва каноэ эшиш ҳамда академик эшак эшиш турларидан жами 9 та қўшимча ўринни спортчиларимизга ажратишни сўраш мўлжалланаётир.

Бизнинг маълумот: Илк Олимпиада ўйинлари 1896 йили Афина шаҳрида ўтказилган. Франциялик Барон Пьер де Ку-

бертен унинг ташкилотчиси ҳисобланади. Бу йил Олимпиада ўйинлари йигирма еттинчи қара ўтказилмоқда. Бўлажак бахсларда мазкур мусобақага йўлланма берувчи жаҳон чемпионатларида АҚШ ва Россия вакиллари қўлга киритган олтин медаллар сони бир хил. Кумуш ва бронза медаллари ҳисобида Россия етакчилик қилмоқда. Германиядан ҳам кўплаб иштирокчилар қатнашиши кутиляётир. 26-Атланта Олимпиадасида 13 та спорт тури бўйича 76 нафар спортчимиз қатнашиб, Армен Багдасаров (дзюдо) кумуш, Карим Тўлаганов (бокс) бронза медали соҳиби бўлишганди. Бу йилги Олимпия ўйинлари 13 сентябрдаги футбол баҳси билан бошланиб, расмий очилиш маросими 15 сентябрь кунини ўтказилади.

№	Спорт турлари	1996 йил Атланта Олимп. иштирокчилар сони	2000 йил Сидней олимп. иштирокчилар сони апрелгача	Қўшимча кути лётган иштирокчилар сони
1.	Енгил атлетика	12	11	8
2.	Бокс	7	8	3
3.	Эркин кураш	6	5	1
4.	Юнорум кураши	4	3	1
5.	Нисшонга отиш	1	3	-
6.	Сузиш	9	2	8
7.	Дзюдо	7	1	7
8.	Синхрон сузиш	-	-	2
9.	Қиличбозлик	-	-	1
10.	Спорт гимнастикаси	3	-	-
11.	Оғир атлетика	6	1	2
12.	Батутлар (трамплин) сакраш	-	1	-
13.	Байдарка ва каноэ эшиш	17	1	2
14.	Велоспорт-шоссе	1	-	1
15.	Теннис	2	-	2
16.	Академик эшак эшиш	-	-	2
17.	Камонбозлик	1	-	1
18.	Таэквандо	-	-	1

ИККИ ЮРАКЛИ ҚИЗ

Немисларнинг Гаген шаҳрида туғилган Жаклин тўрт ойлигида оғир юрак инфарктини бошдан кечиради. Қизчанинг саломатлигини сақлаб қолиш мақсадида шифокорлар мураккаб ишга қўли уришди: юракнинг хасталанган қисмини кесиб ташлашдан ташқари унинг ёнига қўшимча донор юрагини ҳам ўрнатишди.

Жаклин тўрт йил давомида икки юрак билан яшайпти. У ақлий ва жисмоний жиҳатдан тенгдошларидан ҳеч ҳам қолишмайди. Ҳозирга келиб унинг хаста юраги ҳам тузалиб қолди.



ПУГАЧЕВА СУДЛАШМОҚДА

Эстрада юлдузи Алла Пугачева ва унинг эри Ф.Киркоров "Экспресс" газетаси раҳбарияти устидан Москванинг Тверь муниципал судига шикоят ёзишди. Фуқаро А.Пугачева ва турмуш ўртоғининг ёзишчи, мазкур нашр сўнгги олти йилдан буён уларнинг шахсий ҳаёти ҳақида ҳар хил миш-мишларни тарқатиб, бу билан артистларнинг шахсий ҳаётининг даҳлсизлигига путур етказмоқда. Айниқса, газета Алла Борисовнанинг никоҳсиз туғилган болалари, унинг ҳомиладорлиги, чиройли ва ёш кўриниши учун қилдирган кўплаб жарроҳлик операциялари тўғрисидаги уйдирмалари билан унинг шаънини таҳқирлаган экан. Бундан ташқари мухбирлар Ф.Киркоровнинг ҳам шахсий ҳаётига аралашиб, руҳиятига салбий таъсир этадиган мақолалар чоп этган.

Даъвогарлар етказилган маънавий зарар учун газетадан 10 минг доллардан ундириб беришни суддан талаб қилмоқда. Суд бу ишни 17 апрелда кўриб чиқади.

ГЎЗАЛЛАРНИНГ БЕҲАЁ ҚИЛИҚЛАРИ

Дунёдаги машҳур манекенчи гўзалларнинг ҳулқи ҳам қоматидай гўзалмикин? "Қора қоплон" деб ном олган Наоми Кемпбелл худди паровоз каби бетўхтов тутун чиқарар экан. У ҳар кун аёлларга мўлжалланган ингичка сигареталарнинг икки қутисини чекиб тугатади. Англиялик гўзал Кейт Мосс яқиндагина нашавандлик балосидан қасалхонада ётиб даволанган эди. Немисларнинг "қўғирчоқ Барби"си Клаудия

Шиффер ноннинг ўрнига ҳам ширинлик ёйди. Унинг телба-тескари гап-сўзлари, ҳаёт тарзи ҳақида ҳангомалар битта китобга сиймас керак. Линда Евангелист эса дунё гўзалларининг энг тантиғи. У бировга ваъда берса ҳеч қачон унга амал қилмайди. Худо уларнинг хусни, қадди-қоматини бетакрор қилиб яратгани билан бошқа жиҳатдан сал қисиб қўйган кўринади.



ОТЧОПАРДА — САРА ЧАВАНДОЗЛАР



бўйича голиблик учун беллашмоқда.

— Мазкур мусобақанинг аҳамияти шундаки, унда ҳар томонлама чиниққан сара чавандозлар ва отлар масъулиятли мусобақалар олдидан имтиҳондан ўтишади, - деди мусобақа ҳакамларидан бири Жўрақўзи Турдиматов "Туркистон-пресс"

ва июнь ойида Тошкентда ўтказилажак Жаҳон Кубоги саралаш бахсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилувчи терма жамоа тузилади.

— Дастлабки кунги беллашувлар тўсиқлардан сакраш бўйича бўлиб, 115 сантиметр баландликдан сакраш бахсларида 4 ва 6 ёшли тулпорлари билан 28 нафар чавандоз

пешқадам бўлди. "Динамо" от спорти жамоаси вакили Олег Гусаров "Артист" номли отида ҳамда Республика Олий спорт маҳорати мактабидан халқаро спорт устаси Даврон Рўзимухаммедов "Гопак" лақабли тулпори билан навбатдаги ўринларни банд этишди. 7 ёшдан катта отлар баҳсида чавандозлар 130 сантиметр баландликдаги тўсиқлардан ошиш бўйича майдонга чиқишди. Бу гал ҳам И.Содиқов "Қовум" лақабли отида ўзининг нималарга қодирлигини намойиш этди. И.Йўлдошев (Тошкент вилояти) фахрли иккинчи ўринни ҳамда С.Юсупов (Фарғона), А.Содиқов ("Улуғбек" номли ферма) ўз отлари ёрдамида учинчи ўринни эгаллашга муяссар бўлишди.

Тошкент Отчопари ва Республика Олий маҳорат мактаби спорт майдонларида 7. апрелгача қизгин баҳслар давом этади.

"Туркистон-пресс"

"ТРАКТОР"НИНГ ТЕЗЛИГИ ОШМОҚДА

Футбол бўйича миллий чемпионат тўртинчи турининг энг кескин ва муросасиз учрашуви Фарғонада "Нефтчи" ва "Дўстлик" ўртасида кечди. Олдинги турда "Андижон" билан дуранг ўйнаган пойтахт "лидери" бу сафар ҳам 1:1 ҳисобида дурангга имзо чекди. Водийнинг яна бир жамоаси "Андижон" "Кимёгар"ни сийлаб қўйди — 2:0.

Инқироз кучасидан чиқолмаётган "Пахтакор" азалий рақиби "Насаф"га ҳар қанча қаршилиқ кўрсатмасин барибир мағлубиятдан қутулмади ва ҳисоб мезбонлар фойдасига 1:0.

Кубок ўйинларида омади юришмаган "Навбахор" кўҳна шаҳар Бухоридан ранжиб қайтишга мажбур бўлди 1:0.

"Трактор" ўз майдонида "Гулистон"ни 3:0 ҳисобида доғда қолдириб, пешқадамга айланиб олди. "Трактор"нинг тезлиги ошганини кейинги турда билиб олиш мумкин. Чунки жамоа "Пахтакор" билан тўп суради. "Трактор"нинг тезлиги ошар экан, "жўжани кузда саналишини" ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Шухрат ТОЖИЕВ

Муассис:


ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Лола СОАТОВА

Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.